

VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 835 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2018 йил январь-декабрь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	835	100,0	223048,2	100,0
Қорақалпоғист Республикаси	74	8,9	5718,4	2,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	66	8,0	5578,8	2,5
Бухоро	43	5,1	9104,7	4,1
Жиззах	38	4,6	5459,4	2,4
Қашқадарё	69	8,2	5342,8	2,4
Навоий	28	3,3	2010,1	0,9
Наманган	65	7,8	11605,7	5,2
Самарқанд	60	7,2	9336,3	4,2
Сурхондарё	73	8,7	3771,2	1,7
Сирдарё	38	4,6	2178,0	1,0
Тошкент	133	15,9	16233,7	7,2
Фарғона	84	10,1	10161,2	4,6
Хоразм	52	6,2	5753,0	2,6
Тошкент ш.	12	1,4	130795,1	58,6

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 133 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,9 %), Фарғона вилоятида – 84 та (10,1 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 74 та (8,9 %), Сурхондарё вилоятида – 73 та (8,7 %), Қашқадарё вилоятида 69 та (8,2 %), Андижон вилоятида – 66 та (8,0%)ни ташкил этди.


2018 йилнинг январь-декабрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби
(жамига нисбатан %да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 683 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 81,8 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 72 та объект (8,6 %), Халқ таълими вазирлиги – 13 та объект (1,6 %), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – 13 та объект (1,6 %) ва “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 12 та объект (1,4 %) тўғри келади.

2018 йилнинг январь-декабрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 223,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-декабрида республика ҳудудлари кесимида
давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби
(жамига нисбатан %да)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 58,6 %), Тошкент (7,2 %), Наманган (5,2 %), Фарғона (4,6 %), Самарқанд (4,2 %), Бухоро (4,1%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотузаржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2018 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 30,9 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 5,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлари жами 135,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 50,7 %), Тошкент (7,3 %), Андижон (5,3 %), Самарқанд (4,6 %) ва Бухоро (4,5 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.